

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўйайлик!

МИШОНН

13

1993
йил
27 марта
2 апрель
(106)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталиқ газетаси

ЮРТИМНИ КЕЗМОҚДА НАВРУЗИ ОЛАМ!



Тошкент 1993 йил 21 март



Истиқололга эришган озод Ватанимиз пойтакти Тошкентнинг Халқлар Дўстлиги майдонида Наврӯз тантаналарига оқ фотиҳа бериб, оқ ўйл тилашнинг хам рамзий маъноси ҳикмати бор. Зотан, күёш зиёси билан йўғрилган Ўзбекистон заминидаги юздан ортиқ миллат вакиллари елкама-елка туриб истиқолимизни мустаҳкамлаш йўлидан порлок истиқбол сари дадил одимламоқда. Халқлар Дўстлиги майдонидаги тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тутувликни нечоглий ардоклаётгани, азалий анъаналари, урфодатларини янги мазмун билан бойитиб асррабавайлаб келаётгани яна бир бор намоён бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз ва муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шаркона янги йил — Наврӯз шодиёналарини ҳалқимиз баҳорий кайфият, баланд рух, янги янги умидлар билан кутиб оләтган ушбу куттуг кунларда биз сизга мурожаат килиб, дил розини изхор этишини лозим топдик.

Халқимизнинг асрий өрзуси бўлган ватан мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўриб, қалбларимиз кувончга тўлаётгани. Сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизда рўй бераётгани инқилобий ўзгаришлар сиз олиб бораётгани доно ички ва ташки сиёсат самараси эканини ҳар бириз юракдан хис этиб турбомиз.

Республика мустақилликка эришгандан бери босиб ўтилган йўлга назар ташласак, ташки сиёсий ва иқтисодий алокаларни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан қўлтаб-кувватлаш, унутилаётгани қадрияларимизни тиклаш, янги давлат тизимини яратиш ва бошқа соҳаларда ўн йилликларга татиғулик ишлар бажарилаётганининг гувоҳи бўляяпмиз. Буларнинг барчасига, энг аввало, сизнинг тинчликсевар сиёсатингиз, қолаверса, фуқароларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилаётгани. «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларингизни зўр иштиёқ билан ўқиб-ўрганиб, истиқолол ва истиқболга бўлган ишончимиз яна ҳам ошиб

бораяпти. Иқтисодий бўхронлардан тезда чикиб кетишимизга, мустакил диёримизга ёруғ кунлар бокишига, Ўзбекистон яқин йиллар мобайнида фақат Шарқнинг эмас, балки бутун жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан биринга айланишига шак-шубҳамиз йўқ.

Маълумки, юрт тараққиёт, аввало, фуқароларнинг юртбошига бўлган ишонч-этиқодига борглий. Сиз миллатпарвар, юртпарвар инсон сифатида ҳар бир ватандошимизнинг меҳрини қозонгансиз, десак муболага бўлмас. Сиз она ҳалқимизнинг эмас, кўшни мамлакатлар ҳалқларининг ҳам теран хурмат-эътиборни козонгансиз. Тоҷикистонда ва умуман бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталини сақлаш йўлидаги саъй-харакатларингизни барча тинчликсевар кучлар юксак кадрламоқда. Дарҳакиат, тинчлик барча бойликлар манбаидир. Буни ҳалқимиз азалдан эътироф этиб келган ва осойишталик учун курашган. Шу жиҳатдан сизнинг тинчликсевар сиёсатингиз энг оқилона сиёсатидир.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараённада олдимизда кўпгина муаммолар кўндаланг бўлаётгани сир эмас. Лекин сиз чикараётгани фармонлар ва ҳуқумат қарорлари бу муаммоларни ҳал этишда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда кулагай имкониятлар яратмокда. Республика касаба уюш-

малари аҳолининг барча табакаларини ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда ҳуқумат билан ҳамкорликни яна ҳам кучайтиравади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси билан республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида 1993 йилга мўжаллаб тузилган битим ҳам шу мақсадга хизмат килади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши аъзолари Сиз чиқарган фармонлар ҳар бир вилоят, район ҳамда меҳнат жамоаси ҳаётига татбик этилишига, юртимизда сиёсий барқарорлик сакланишига, барча соғлом кучлар сизнинг тегарагингизда жисплашувига куч-ғайратларини сарфлайверадилар.

Зоро, ҳаммамизнинг орзу-умидимиз, мақсадимиз битта — у ҳам бўлса Мустакил Ўзбекистон Республикасини жаҳон афкор оммаси кўзи ўнгига гуллаб-яшнаган днёрга, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакатга, ҳалқи бойбадавлат ўлкага айлантиришдир. Яхши ният ҳалқимизга ҳамиша йўлдош бўлиб, юртимизга баҳт ва омад кулиб бокаверсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1993 йил 19 марта бўлиб ўтган бешинчи анжумани катнашчилари.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов белгилаган асосий принципларий ва касаба уюшмалариning вазифаларни тўғрисида» республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродовнинг маърӯзаси тингланди ва муҳокама этилди. (**Маъруза баёни газетанинг 2-саҳифасида ўзлон қилинмоқда**)

Музокараларда Ўзбекистон нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Ў. Мирхабиров, Жиззах вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси И. Хушнев, «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригада бошлиги А. Нурмухamedov, Сирдарё вилояти «Голдинстепстрой» бирлашган курилиш касаба

уюшмаси қўмитаси раиси А. Аскarov, Тошкент шахар нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Файзуллаева, Намангандар вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси X. Абдураҳимовлар сўзга чиқиши.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси ташкилотларида молия интизомини тартиба солиши ва ягона молиявий интизом ўрнатиш тўғрисида», «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1992 йилги ижтимоий сурурта бюджетининг бажарилиши тўғрисида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишили қарорлар кабул киленди.

Кенгаши мажлисida ташкилий масала ҳам кўрилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси


КЕНГАШИННИГ МАЖЛИСИ

кенгаши раисининг муовини К. Адаманов бошқа ишга ўтганинига ва республикадан ташкарига кўчиб кетганлиги муносабати билан лавозимидан, кенгаши ҳамда кенгаши раёсати аъзолигига сайланди.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони ҳокими бўлиб ишлаб келган К. М. Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини лавозимига, кенгаши ҳамда кенгаши раёсати аъзолигига сайланди.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига кўтаринки рух ва яқдиллик билан Мурожаатнома кабул килендилар. (**Мурожаатнома газетада ўзлон қилинмоқда**)

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг етакчи маслаҳатчиин И. Н. Сандов иштирок этди.



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ БЕЛГИЛАГАН АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекисон қасаба уюшмалари Федерацииси кенгаши V Мажлисида Федерации кенгаши раиси

Б. А. АЛЛАМУРОДОВ маърузасининг баёни

ИҚТИСОДИЙ ва маданий ҳётимизда рўй бе-раётган туб ўзгаришлар ҳамда бундан бўён ба-жарилиши лозим бўлган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарла-рида, нутқларида, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган сұхбатларида ани-равшан ифодалаб берилди. Ҳётимиз кун сайн янгилини боряпти. Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида мулкчилик шакллари ўзгармоқда, фойда келтирмайдиган корхоналар тутатилмоқда. Афсуски, бунинг оқибатида ишсизлар пайдо бўл-моқда. Нархларнинг эркинлашуви оқибатида яна бир катор муаммолар келиб чиқмоқда.

Қасаба уюшмалари ҳётимиздаги ўзгаришларга реал кўз билан караб, биринчи навбатда инсонни бозор зарбаларидан ҳимоя қилишга, меҳнаткашларни, ахолининг ночор табакаларини ижти-мой-иктисодий ва ҳуқуқий жihatдан ҳимоялаш-га ҳаракат қилмоқда. Бу соҳада бизнинг мақсад-ларимиз хукumat мақсадлари билан бирдир.

Республика ҳукумати ўз иқтисодий сиёсатини асосан ахолининг ҳёттий мағфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритмоқда, биз ҳукумат билан муносабатларимизни уч ўйлдан бўён иккى томонла-ма битимлар орқали олиб бормоқдамиз.

Биз сёкин-аста бозор иқтисодиётiga ўтиб бор-моқдамиз. Бозор иқтисодиётiga ўтиш принци-пини Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз нутқла-рида аник ифодалаб берди.

1-принцип бўйича иқтисодиёт соҳасини олиб кўрайлик. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг аксарият мамлакатлари содир бўлган сиёсий бўронлар ҳалқ ҳўжалиги тармоклари ишини иккинчи ўринга сурниб қўйди. Натижада кейинги икки-уч ўйл ичидан миллий даромад даражаси, ишлаб чиқариш ҳажмлари 20-30 фоизга пасайди. Баъзи республикаларда эса бундан ҳам аянчли манзарани кўриш мумкин.

Бундай салбий ҳолатлар республикамиз иқти-содиётiga ҳам таъсир этмай қолмади. Лекин рес-публика раҳбарияти олиб борган сиёсат Ўзбекистон иқтисодиётини танг ахвoldан саклаб қолди. Ялли миллий даромад ва ишлаб чиқариш ҳажми-нинг пасайиш даражаси бизда бошқа давлатлар-дагига нисбатан анча кам эканлиги тасодифий эмас. демак, иқтисодиёт сиёсатдан ҳамиша усти-вор бўлиши керак.

2-принцип: Баъзи оппонентлар республиканинг иқтисодий сиёсатини бошқариша эскича, маъ-мурий-бўйруқбозлик усуулларига мойиллик бор-деб танкид қилмоқдалар. Бу ўринисиз танкид. Бор-зора кўр-кўрана, стихияли ўтиб бўлмайди.

Ислом Абдуғаниевич тўғри таъқидлаганидек, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош-карув жиловини ўз қўлидан чиқариб юбормаслиги керак.

3-принцип: Ҳозирги кунда республикада бозор-га ўтиш учун зарур қонунлардан иборат ҳуқуқий негиз асосан яратилди. Қонунга итоат этиш — ҳу-куқий давлат куришинг зарурий шарти бўлиб қолди.

Янги қонунлар асосида ўн мингдан зиёд фермер-лик ва ижара ҳўжаликлари, кооператив, кичик ва қўшма корхоналар ишлаб турибди. Давлатнинг икки мингдан кўп корхонаси хусусийлаштирилди. Уларнинг аксариятини ҳозирча савдо, умумий ов-қатланиш, майший хизмат ва маҳаллий саноат обьектлари ташкил этмоқда. Ҳалқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам давлат мулкни унинг тасарруфидан босқичма-босқич чиқаришга тайёр гарлик кўримоқда.

4-принцип бевосита қасаба уюшмалари таал-кулдир. Кучли ижтиёмоний сиёсат амалга оши-рилган тақдирдагина белгиланган вазифаларни амалга ошириш мумкин бўлади. Қасаба уюшмалари ана шундай шароитларда фуқароларни ижти-мой ҳимоялашга қаратилган вазифаларни амал-га ошироқмода.

Масалан, иш билан таъминлаш муаммосини олиб кўрайлик. Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида қабул килинган қонун ҳозирдаёк ҳамма вилоятлар, шаҳарлар ва йирик районларда иш-би-лан таъминлаш хизматларини, ишдан бўшати-лаётган ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш марказларини ташкил этиш имконини берди. Ана шу тузилмаларнинг фаолиятларида қасаба уюш-маларининг вакиллари катнашмоқда. Натижада

ишсизлар муаммоси бизда бошқа минтақаларда бўлганидек кескин қўйилаётгани йўқ.

Лекин биз ахолини иш билан таъминлаш рес-публика, тармок ва минтақа дастурларини ишлаб чишиш ва қабул қилишини поёнига етказишимиз, бу масалаларни тузилаётган битимларимизга ки-ритишимиз керак. Ҷамоа шартномаларида эса иш билан таъминлашга оид масалалар асосий ўрин-лардан бирига кўйилиши лозим.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчи-ман. Президентимиз ахолининг ночор табакала-рига алоҳида эътибор бериш зарурлигини ҳар бир нутқида таъқидлаб ўтятти. Шундай экан, нафақа олувчилар, ногиронлар, талабалар, ўкув-чилар ҳамиша эътиборимизда бўлиши керак.

Ишлаб чиқариши барқарорлаштирмай, ахолининг кундалик эҳтиёжларини кондиришга керакли маҳсулотни бермай туриб кучли, сабитқадам ижтиёмоний сиёсат юритиб бўлмаслигини унумтай-лик. Шунинг учун қасаба уюшмалари меҳнат интизомини мустахкамлаш, меҳнат унумдорлиги-ни ва маҳсулот сифатини ошириш, моддий хом ашё ва энергетика ресурсларини тежаш каби му-хим омилларга етарлича эътибор бериши керак.

Иш ҳақининг ошиши моллар чакана нархлари ўсишига етиб ололмаяпти. Шу сабабли иш ҳаки борасида меҳнаткашлар манфаатларини ижти-мой ҳимоялашда шу йилнинг 1 январидан жорий этилган ҳалқ ҳўжалиги тармокларида меҳнатга ҳак тўлаш ягона тариф жадвали катта ўрин тути-ши керак. Қўплаб тармок қасаба уюшма комитетлари ва бошлангич ташкилотлар берилган ҳу-куқдан фойдаланиб, ҷамоа шартномаси ва битимларни орқали биринчи разряд ставкасини энг кам иш ҳаки микдоридан ошириб белгиламоқда ва шу туфайли ўз тармоклари ходимларининг лавозим ҳамда разряд маошларини ошироқмода. Бундай имкониятдан иложи борича кенг фойдаланишимиз керак.

5-принцип бозор иқтисодиётiga шошилмай, босқичма-босқич ўтиб бориши талаб этади. Бу соҳада соҳта инқолобий сакрашларга йўл қўйиб бўлмайди. Биз тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдоримиз.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацииси кенгашига қасаба уюшма аъзоларининг эмас, балки аҳоли барча табакаларининг манфаатларни тааллуқли катор принципиал масалаларни ҳал этишига туғри келмоқда.

Ҳозирги вақтда ижтиёмоний сугуртани бошқариш муаммоси кўндаланг бўлмоқда. У кимнинг тасаруфида бўлиши ва қандай бошқарилиши керак?

Биринчидан, бу ишда, табиийки, қасаба уюшмаларининг тажрибаси кўп. Улар сугуртага ижти-мой йўналиш бера олади. Бу эса бозор муносабатларига ўтишда фойдати.

Иккинчидан, қасаба уюшма ташкилотлари корхоналардаги одамларни яхши билади ва долзарби масалаларни тез ҳал қила олади. Шу боис ижти-мой сугуртага маблағлари тақсимланаётганида ходимнинг меҳнатга қўшган хиссаси тўларок эъти-борга олинади. Корхонада эса меҳнат жамоаси-нинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятини яхшилаш ҳисобига истеъмол жамғармаларини кўпайтиришга итилиши кучаяди.

Учинчидан, ижтиёмоний сугуртани бошқаришда демократизм мустаҳкамланади. Бутун тарих мобайнида деярли барча мамлакатларини ишчилар синфи ва қасаба уюшмалари ушбу муҳим соҳани бошқаришда ўз иштирокини кучайтириш учун ку-рашиб келмоқда. Махсус давлат аппаратининг ташкил килиниши меҳнаткашларни бошқарувдан ажратиб, тизимни расмийлаштириб юборади, бошқарувдаги демократик негизларни йўқка чи-каради.

Тўртингидан, бошқарув аппаратини саклашга кетадиган ҳаражатлар кискаради. Ҳозирги вақтда бу борада қасаба уюшма органларининг ходимлари штатидан кенг фойдаланимоқда, ушбу соҳа ўз табиатига кўра меҳнаткашларни ижти-мой ҳимоясига оид қасаба уюшма фаолиятининг асосий йўналишига яқинроқдир.

Республика ва минтақа органларida ижтиёмоний сугурта ишларини унча катта бўлмаган аппарат ходимлари бажариб келмоқда. Корхоналарда эса ушбу иш амалда жамоатчилик асосида олиб бо-

рилмоқда. Бунга сугурта фаолларидан 50 мингдан зиёд киши жалб этилган. Ҳозирги вақтда сугурта бадаллари тушумининг атиги 1,1 фоизи маъмурий ҳаражатларга сарфланмоқда. Ушбу ишни давлат органлари ихтиёрига ўтказиш маош тўлаб ишлатиладиган аппаратни анча кенгайтиришга ва уни саклаш ҳаражатининг бир неча баробар ошиб ке-тишига сабаб бўлади.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, қасаба уюшмалари ва хўжалик органлари ижтиёмоний сугурта ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини сақлаш ишларини яхшилашдан иқтисодий жиҳатдан манфаатдорлар. Бундан ташқари, улар ушбу масалалардан фойдати яхши хабардорлар. Корхоналарда касалликларни таҳлил килиш тизими тар-киб топган, унинг асосида қасаба уюшма комитетлари маъмурият ҳамда тибиёт ходимлари билан биргаликда хасталикларни камайтириш ва олдини олиши тадбирларини ишлаб чиқиб амалга оширо-модалар. Шундай экан, сугуртани бошқариш ор-ганининг пухта ўйламай, шошилинч қайта таш-кил килишга, қасаба уюшмаларини бундан четла-тишга йўл қўйиб бўлмайди.

Ижтиёмоний сугуртани бошқариш қасаба уюшма, хўжалик, маҳаллий ҳоқимиёт идоралари, банк бўлнималарининг биргаликда мунтазам иш олиб боришини талаб килади. Бу гап сугуртацилар-нинг ижтиёмоний сугурта бюджети билан ҳисоб-китоб қилишларига, тибиёт хизмат кўрсатишни, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини муҳофаза этишини яхшилашга тааллукли-дир.

Ижтиёмоний сугуртани бошқариш қасаба уюшма, хўжалик, маҳаллий ҳоқимиёт идоралари, банк бўлнималарининг биргаликда мунтазам иш олиб боришини талаб килади. Бу гап сугуртацилар-нинг ижтиёмоний сугурта бюджети билан ҳисоб-китоб қилишларига, тибиёт хизмат кўрсатишни, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлигини муҳофаза этишини яхшилашга тааллукли-дир.

Жамоа шартномаси ва битимлари тузиш ишлати-риш ва такомиллаштириш борасида ҳали кўп ишлар килиниши керак. Үнда бозорга ўтиш, қасаба уюшмаларининг жамиятдаги аҳамияти, янги қонунлар ишлаб чиқилиши каби кўпдан-кўп омиллар эътиборга олиниши керак.

Жамоа шартномаси ва битимлари тузиш ишлати-риш ва такомиллаштириш борасида ҳали кўп ишлар килиниши керак. Үнда бозорга ўтиш, қасаба уюшмаларининг жамиятдаги аҳамияти, янги қонунлар ишлаб чиқилиши каби кўпдан-кўп омиллар эътиборга олиниши керак.

Ҳодимнинг ҳимоялашда тугалланай деб колди. Уларда ҳўжалик раҳбарлари ва қасаба уюшма комитетларининг ишлаб чиқариши барқарорлаштириш ва меҳнаткашларни ижтиёмоний ҳимоялашга қаратилган ўзаро мажбуриятлари ўз ифодасини топмоқда.

17 марта бил раёсат мажлисида Вазирлар мах-камаси билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацииси кенгаши ўртасида 1992 йилга тузилган битимнинг бажарилиш якунлари ҳамда 1993 йил учун тузилаётган иккى тарафлама битим лойиҳасини кўриб чиқдик. Унга аъзо ташкилотларнинг, йирик бошлангич қасаба уюшмаси ташкилотларининг республика фуқароларини ижтиёмоний ҳимоялашда катта аҳамиятга эга бўлган кўплаб так-лифлари киритилди.

Битим лойиҳасида ижтиёмоний соҳани ривожлантириш ҳамда уни асосиз тижоратлашувдан ҳи-моялашни кучайтириш, меҳнатни ҳимоялаш ва экология хавфсизлиги борасидаги муносабатларни тартибида солиш масалалари ўз аксини топди.

Яна бир фойдати махсус қасабага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бу қасаба уюшмалари молиявий маблағлари масалаласидир. Федерализм прин-ципларига ўтишимиз муносабати билан аъзолик бадалларидан фойдаланишида катор муаммолар юзага келди. Бадалларнинг кўп қисми кўйи таш-килотларда сарфланмай колди. Биз бу маблағларни оқилона жамлаш, пулнинг қадрсизланиши авж олаётган даврда ундан зарур мақсадлар йўлида унумли фойдаланиши сиёсатини юртиши-миз керак.

Маърузани тугатишдан олдин сизлар билан яна бир масала юзасидан маслаҳатлашиб олмоқчи-миз. Гап Федерации кенгаши аппаратининг тузилмаси ва аввало унинг комиссия ва бўлимлари хусусидадир.

Сизларга маълумки, ушбу таркибий бўғинлар бил пайтлар СССР қасаба уюшмалари Умумий Конфедерациясининг тузилмасига мувофиқ шак-лантирилган эди. Лекин ҳозирги молиявий қийин-чиликлар туфайли комиссиялар ишида сизларн



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

(Боши З-бетда)

1993—1994 йилларда Марказий «Пахтакор» стадиони, «Қиброй» ва «Чиғатай» спорт базалари яхшилаб таъмирлансан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1993 йилда мазкур таъмирлаш ишлари учун зарур маблағларни ажратсан ва 1994 йилда ҳам шундай ишни кўзда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, транспорт ва алоқа мажмуси (ўртоқ Тўлаганов) таъмирлаш ишларни амалга оширишда ёрдам берсин.

7. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси спорт мақсадларига атаб ишлаб чиқариладиган молларнинг, шу жумладан, футбол либоси, тўп ва пойабзалинг сифати яхшиланишини ҳамда турлари кўпайтирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт қўмитаси республика Футбол федерацияси ва тегиши ташкилотлар билан биргаликда миллий терма футбол командалари учун либос шаклини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт қўмитаси: Республика олий футбол спорт маҳорати мактабининг «Чиғатай» базасида ёшлар ва ўспиринлар командаларининг олимпиада ўйинларига тайёргарлик марказини ташкил этсин.

Республика чемпионати биринчилиги қатнашчилари олий ҳамда биринчи табака футбол клублари ҳузурида

болалар-ўсмирлар спорт мактабларини очсин.

10. Республиканинг барча минтақаларида футболни ривожлантиришга ва бунинг учун вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри Футбол федерациялари раисларининг юксак масъулиятига катта аҳамият бериб, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг шу лавозимларга сайланышлари фаҳрли ва-зифа деб ҳисоблансан.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари мастерлар командаларида доимий мoddий ва молиявий ёрдам берсинглар, тренерлар ва футбольчиларни ўй-жой майшиш шароитларини яхшилаш чораларини кўрсинглар, уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1969 йил 18 июлдаги 340-сон қарори билан тасдиқланган хизмат квартиralari beriliishi mumkin bўlgan shaxslar rўyhatiga kirit-sinlар, Villoylarнинг fizkulturna va sport qўmitalariiga zaruratga қarab xizmat ўй-жой жамғарmasini vujudga keltiriш учун квартиralar ажратиш кўзда тутилсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси терма командаларининг ҳалқаро мусобақалarda, чемпионлар соврини, соврин эгаларининг соврин расмий мусобақалarda ва шу даражадаги бошқа белла-

шувларда қатнашишларига тайёргарлик кўриш ва иштирок этишлари учун ҳар йили маблағ, шу жумладан, бемалол айирбошланадиган валюта ажратишни кўзда тутсинлар.

13. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси терма командалар учун ҳалқаро футbol мусобақаларида қатнашуви командалар учун авиация билетлари расмийлаштирилиши ва сотиб олишини таъминласин. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компаниясининг чет эллардаги ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт қўмитасининг илтимосларига биноан бу командаларни кутиб олишини ва уларнинг транзит тарзида ҳаракат қилишини уюштиришда ҳар томонлама ёрдам берсинглар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги терма командаларнинг ва клуб командаларининг аъзолари, шунингдек, айрим мутахассислар, тренерлар ва футбольчилар учун чет элга чиқиш рухсатномалари ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин. Чет элга чиқишга Ўзбекистон Республикаси физкультура ва спорт қўмитаси билан республика Футбол федерациясининг белгилangan тартибдаги таклифлари асосида рухсатнома бериладиган бўлсиган.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғликини сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари футбол командаларини спорту соҳасига ихтисос-

лашган малакали шифокорлар ва тиббий ходимлар билан, шунингдек, Ўзбекистон Футбол федерациясининг аризаларига биноан зарур тиббий ашёлар ва дори-дармонлар билан таъминласинлар.

16. Оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон телевидение ва радио эшиттириш компанияси республикада футbol ҳаракатининг ривожланишини, энг яхши спорт клублари, спорт мактаблари, физкультура жамоалари, мутахассислар ва тренерларнинг фаролиятини мунтазам равишда батафсил ёритиб борсинглар, республикадаги футbol мусобақалари ҳақида юксак билимдонлик савиясида шарҳлар тайёрларинлар. «Спорт» газетаси ҳузурида «Ўзбекистонда футбол» ҳафтаномасини чиқариш ташкил этилсан.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари футbol мусобақаларини ўтказиш пайтида жамоат тартибини, томошабинларнинг, мусобақа қатнашчиларининг, ҳақамлар гурухларининг хавфсизлигини сақлашни таъминлаш юзасидан қўшимча чораларни амалга оширсинглар.

18. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўртоқ А. Муталлов зиммасига юклатилсан.

**Вазирлар маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.**

— Бозор иқтисодиёти шароитида айрим хўжалик ва корхона раҳбарлари кўплаб фойда олиш пайига тушшиб колганликлари сир эмас,— деди Виктор Михайлович.— Бунинг натижасида оқибати ўлим билан тугаётган ҳодисалар ҳам, ишлаб чиқаришдан шикастланиш ҳолларини матъум даражада кўпайиб бормоқда. Айниқса, Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари корхоналарида ахвол ёмон. Иш шароитини яхшилашга, меҳнатни муҳофаза этишига ўтибосизлик оқибатида бу минтакаларда асаб касалликларига чашниётган ишчилар сони камаймаятти.

Биз ўтган йили техника хавфсизлигини таъминлашга, иш шароитини яхшилашга панжа орасидан қараётган корхона ва хўжаликлар раҳбарлари устидан тегишли ташкилотларга ва уларнинг ўзларига 5 мингдан ортиқ тақдимнома ҳамда тавсияномалар ўбордик. Мехнат шароити ва муҳофазасини яхшилашга қаратилган 60 мингдан ортиқ тадбирларни бажарини таклиф этдик. Мехнат муҳофазаси түғрисидаги конунчиликни бузган мингга яқин мансабдор шахсларни эса интизомий жавобгарликка тортидик. Ишлаб чиқарниша кўпол бушишларга йўл қўйган, оғир шикастланишлар ва оқибати ўлим билан тұшаган ҳолларга даҳлор бўлган кўплаб шахснинг иши прокуратура орнларига оширилди.

Янги иқтисодий муносабатларга мувофиқ келувчи конунчилик базасининг йўқлиги учун ҳам меҳнат муҳофазасида таңг ахвол юзага келаятти. Хусусий, қўшма, жамоа мулкига асосланган корхоналарда ишчи-хизматчилярнинг социал ҳукукларини қафолатлайдиган аниқ ҳужжатлар ўйқ. Қабул килинган конунларда эса меҳнатни муҳофаза этиши, ишловчиларга зарур шароитлар яратиш юзасидан кескин талаблар кўйилмаган. Оқибати минглаб қишилар меҳнатни муҳофазадан четда колиб кетмоқда.

Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгashi шуларни хисобга олиб «Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза этиши түғрисидаги»ни конун лойиҳасини тайёрлраган эди. У ўтган йил охирида Олий Кенгашининг конунчилик, конунийлик ва ҳукуқ-тартибот масалалари бўйича Комитети муҳокамасидан ўтгач, кўриб чиқиш учун Парламентга тақдим этишига қарор килинган эди. Олий

Кенгаш тезрок уни кўриб чиқиб, кабул киласа республикада ислоҳот таълабларига жавоб берувчи, меҳнатни муҳофаза этишишини қонуний асослашни яратувчи мухим ҳужжат пайдо бўларди.

Биз янги қонун қабул қилинини кутиб ўтирамай пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш даврида меҳнаткашларни социал ҳимоялашни кучайтириш чораларини кўрмокдамиз. Масалан, меҳнаткашларни бепул махсус кийим-бошлар билан таъминлаш масаласини олиб кўрайли. Хозир қарор топган ва ривожланаётган шароит меҳнатни муҳофаза этишиби воститалар, махсус кийим-бошлар

гайтириш учун Мехнат вазирлиги билан ҳамкорликда бепул махсус кийим-бошлар ва химоя воститалари беришини тартиблаштиришни таъминлаштиришни яратиб чиқишга киришди.

Меҳнатни муҳофаза этиши түғрисидаги Конун қабул қилингунча касаба уюшмаларида даҳлорлигидан кательи назар мулкчилик ва хўжалик юритишининг барча шаклларидаги корхоналарда назоратни амалга оширувчи меҳнат техник инспекторлари ҳукукларини кечайтириш түғрисидаги таклифимиз ҳам ҳукумат томонидан кўллаб-қувватланди.

Хозирги пайтда автотранспорт, пахта тозалаш саноати корхоналари, савдо ва бошқа айрим тармоқлар учун меҳнатни муҳофаза этиши Конундаги

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ – ИНСОННИ АСРАШ ДЕМАК

Мана бу рақамнинг магзини чақинг: ўтган йили республика бўйича бир неча ўн киши ишлаб чиқаришда ҳалок бўлибди. Демак, улар эрталаб ўйдан соппа-соп чиқиб кетиб, кечқурун оиласи бағрига қайтмаган. Қанчалар даҳшатли ҳол! Бу корхона ва хўжаликларда техника хавфсизлигига, меҳнат муҳофазасига ўтибосизлик билан қарашнинг аянчи оқибати эмасми?

Ўйлаб қоламиз. Ишлаб чиқарниша шикастланиш ҳолларини камайтишишини иложи йўқми? Нима учун фойда олишини ўйлаймиз? Пул азизи ёки инсонли? Шунга ўхшиаш саволларга жавоб берини мухбиризис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгashi межнат бош техник инспектори В. М. Ничкасовдан илтимос қилди.

ва пойабзаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иқтисодий манфаатдорликни оширувчи механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиши вазифасини олга сурмокда. Шу максадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгashi ҳукумат олдиға Фарзанди касаба уюшмаларида назоратни таъминлашадиги камилини рўйиб келиб, ўзларини четга олмоқдалар. Бу асоссиз гап. Тошкентда меҳнатни муҳофазаси масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқикот институти фарзанди касаба уюшмаларига давлат буюртмаси билан энг макбул қондадарни ишлаб чиқишга көдир.

Яна бир мухим масала ҳамиша корхона ва хўжалик раҳбарлари ёдида бўлиши керак. Бу заарни коплаш ёки тобон тўлаш масаласидир. Саломатликни пулга сотиб олиб бўлмайди, хаёт эса кайтмайди. Шундай экан, ишлаб чиқарниша саломатликни йўқотганлар устида қанчалик ғамхўрлик килсан, шунчак оз.

даларини ишлаб чиқиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Бу ишни бошқа соҳалар бўйлаб ҳам кенгайтириш керак. Лекин айрим хўжалик раҳбарлари коида ишлаб чиқувчиларнинг камлигини рўйиб келиб, ўзларини четга олмоқдалар. Бу асоссиз гап. Тошкентда меҳнатни муҳофазаси масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқикот институти фарзанди касаба уюшмалари макбул қондадарни ишлаб чиқишга көдир.

Яна бир мухим масала ҳамиша корхона ва хўжалик раҳбарлари ёдида бўлиши керак. Бу заарни коплаш ёки тобон тўлаш масаласидир. Саломатликни пулга сотиб олиб бўлмайди, хаёт эса кайтмайди. Шундай экан, ишлаб чиқарниша саломатликни йўқотганлар устида қанчалик ғамхўрлик килсан, шунчак оз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгashi Мехнат вазирлиги билан ҳамкорликда нарх-наволарнинг ўзгаришига қараб товои пули тўлаш қондадарига ҳам бир қатор ўзгаришилар киритдилар. Айрим тармоқларда хўжалик ва касаба уюшмаси органлари ўртасидаги битимларга мувофиқ ишлаб чиқарниша шикастланган ёки ҳалок бўлганларнинг оиласига бир галлик тўловлар бериш йўлга қўйилмоқда. Масалан, Ўрга Осиё темир ўйли корхоналарида бирор киши ишлаб чиқарниша бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлса, унинг оиласига мурхумнинг ўн ойлик маоши микдорида бир галлик тобон пули тўланаяпти. Агар шикастланган одам ногирон бўлиб колсан, унга бир галлик маоши ҳажмидан бир галлик тобон пули борилади. 1, 2, 3-гурух ногиронлари устида ҳам шундай ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишининг Президентимиз И. А. Каримов белгилаган принциплари орасидан аҳолини социал ҳимоялаш механизми алоҳида ўринни эгаллаган. Хозир касаба уюшмаларнинг бутун фаолияти мана шу принципга бўйсундирилган, десак мубалага бўлмас. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуклари ва фаолияти кафолати түғрисидаги» Конунда бизнинг меҳнатни муҳофаза этиши соҳасидаги ҳукукларимиз, меҳнаткашларни амалда ҳимоялашни таъминлашда техника инспекциясининг ролини белгилаб борилган. Бизнинг бош вазифамиз ишлаб чиқарниша шикастланшиларни олдини олишдир. Кўпгина корхоналарда назорат бўйича давлат тузилмасининг йўқлиги учун давлат номидан меҳнат ва ҳукуки муҳофаза этиши түғрисидаги конунчиликка қандай риоя этилаётганлигини касаба уюшмалари меҳнат техник инспекцияси текшириб бормоқда.

Олдимида турган вазифаларни бундан бўён ҳам ҳукумат билан ҳамкорликда амалга ошираверамиз. Касаба уюшмалари билан ҳокимликлар, вазифиларлар, идоралар ўртасидаги тузилган битимлар кўп вазифаларни ўз ичига олган. Эндиликда меҳнат муҳофазаси бўйича давлат дастури ҳам ишлаб чиқили

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

ЯЙЛОВ НЕГА КЕРАК

УТГАН йили Жиззах вилоятидан бир неча киши Америкага бориб келди. Шу сафарнинг натижалари биринкетин кўрина бошлади. Масалан, Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалиги директори Кулмирза Қамбаров (хозир Дўстлик район хокими лавозимига кўтарилиган) ҳам Америкада бўлиб, дехкончилик ва чорвачиликдаги илгор усуллар билан танишиб қайтган эди. Ҳозир бу давлат хўжалигига АҚШ фермерлари тажрибаси асосида бир катор ишлар килинганди.

Яқинда мазкур хўжаликда молларни яйловда бокиш, бузокларни совук ҳавода парваришилаш бўйича республика семинари бўлиб ўтиди. Унинг қатнашчилари Қосим Раҳимов номли давлат хўжалигининг фермаси ва маҳсус даласида АҚШ фермерлари усулида мол бокиш усули билан танишилар ва бу усулнинг фойдаси ҳакида мезбонлар ҳамда мутахассисларнинг фикрларини эшилди.

Сигирларни яйловда бокиш, аввало, уларни турли касалликлардан асрайди. Буни кўп чорвадорлар билишади. Бирок узок йиллар давом этиб келган бойлаб бокиш усули чорвадорнинг қон-қонига сингиб, гўё мол бокишининг бошка усули ўйк дейиш даражасига олиб бориб кўйди. Ҳайрият, хориж билан алокалар кўплаб колипларни бузиб, фойдали усулларга йўл очмоқда.

Давлат хўжалигининг директори Ҳудойкул Холбеков тақлифи билан ферма ёнидаги 80 гектарлик далага ўйл олдик. Бу дала атрофи тўсилиб, саккизта бўлакка бўлинган. Сигирлар шу кичик «яйлов»ларда яриатиб бўклиди. Бир даланинг ўти тугагач, иккинчисига ўтказилди. Саккизинчи даланинг ўти едириб бўлингунча биринчи даланинг ўти ўсиб колади. Бу усул ем-хашак жамғарасини камайтирмайди. Сигир ва бузокларнинг маҳсулдорлиги ҳамда ўсиши сал-

мокли, касалликдан ҳоли бўлиши яйловда бокишининг энг муҳим самара-сидир.

КАТАКДАГИ БУЗОҚЛАР

ДАВЛАТ хўжалиги фермасида катакчаларга қамаб кўйилган ёш бузокларни кўрсатишиди. Бирок хўжаликда ҳар бир бузокни алоҳида катак-ўйда саклашни маъқул топишибди. Шу максадда 80 дона бузок, хона ясалган. Уларнинг ҳажми кичик: бўйи 240, эни 120, баландлиги 160 сантиметр. Ости таҳтапол, ёнлари ва тепаси таҳта рейкалардан ясалаб, уч томони ва усти брезент билан копланган. Олд томони очик. Агар ҳаво очик бўлса, тепаси очиб кўйилади.

Бузокхонанинг тўғрисига сомон тўшаб кўйилади. Бузок одатда шу сомон устида ётади. Сутни эса катакни куйи кисмиди, яъни эшиги олдида ичади. Шундай бўлгач факат эшик олдига ахлат тушиши мумкин. Сомон эса қуруқ ва тоза тураверади.

Бузоклар тўда-тўда ҳолда, якка усулда бўлса ҳам ферма биноси ичиди сакланганда улар касалликка тез чалинади. Чунки гўнг ва шилтадан заҳарли газ чикиб туради. Бу газ бузокнинг иштахасини бўғади. Катаклarda сакланганда эса бузок очик ҳаводаги сингари тоза, эркин ўсади. Одатда, бундай усулда бузоклар туғлишининг саккизинчи-ўнинчи кунидан бедадан тамшаниб, ейинши ўрганади. Агар беда боғланиб, бузокнинг бўйи етадиган жойга осиб кўйилса, у ўтга янада тез ўрганади.

Тажрибалар шуни кўрсатдиги, бино ичиди сакланган бузоклар кунинга ўртacha 400 граммдан, катаклarda бокилганда эса 800 граммгача ўсади. Бузоклар 90 кун катаклarda бўклигач, ёзги яйловга ўтказилади.

— Бордию, ҳаво совиб кетса, анави 3—4 кунлик бузоклар совқотмайдими?

— Йўк,— деб сухбатга кўшилди қишлоқ хўжалик вазирлигининг етакчи мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳусанжон Фиёсов,—

агар бузокнинг таги қуруқ бўлиб, елвизакда қолмаса, 20 градуслик совук ҳам унга зарар қилмайди. Катакнинг уч томони берклиги ва мана бу қуруқ сомон совукдан ҳам, касалликдан ҳам саклайди. Мен шу мавзуда кандидатлик ишимни ёклаганман. Кўп жойда тажриба ўтказдик. Шундай холосага келдикки, бузокларни очик ҳавода, совукда бокиш жуда катта фойда келтиради.

ҚЎШАЛОҚ КОРХОНА

ҚОСИМ РАҲИМОВ номли давлат хўжалигига кичик корхоналар, тегирмон, мойжувоз, совутиш бинолари, инкубатор сингари катор ёрдамчи хўжаликлар ишлаб турибди. Бирок макарон цехи билан мева-сабзавот куритиш цехи ишга тушганлиги жуда яхши иш бўлибди.

Макарон цехида уч хил маҳсулот тайёрланади. Бу цех ҳар сменада 500 килограмм маҳсулот беради. Истроил Муқаддасов раҳбарлик киладиган бу кичик корхона хўжалик ахолисининг макарон ва вермишелга бўлган эҳтиёжини кондириб, четга маҳсулот сотиши ҳам мумкин.

Мева, сабзавот куритиш цехи анча катта, суткасига 6 тоннагача маҳсулот беради. Бу ишнинг фойдаси ҳаммага аён, ҳўл мева, узум ва сабзавотни ироф бўлишдан, чиришдан саклайди. Куритилган маҳсулотни саклаш, бошка жойга олиб бориш ҳам осон.

Куритиш цехи хўжаликка каттагина иктиносидий фойда ҳам келтиради. Баҳордан бошлаб қўшини хўжаликлар ҳам бу ерга ўз маҳсулотларини келтириб, куритиб кетадилар. Албатта, бунинг учун улар ҳак тўлашади. Эплаган икки ошар, деб шуни айтадилар. Эпламаган эса ҳамма нарсатан қуруқ колиб ўтираверади. Ҳоким Кулмирза Қамбаров, директор Ҳудойкул Холбеков ҳамма ишнинг уддасидан чикадиган одамлар.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч»нинг мухбири.

«ДЎСТЛИК» жамоа хўжалиги нафақат Элликкальға районида, балки Қорақалпоғистон республикасида аҳоли энг зич жойлашган қишлоқларни бирлаштирган. Амударё соҳилида жойлашган серҳосил ерлар сув эрозияси натижасида дарё комига кетиб, қарийб 3 марта қисқарди. Ҳар бир ишловчига аранг 20 сотиҳдан ер тўғри келяпти. Шу боис мана, 6 йилдирки, «дўстлик»чилар 60 километр узоқда жойлашган Элликкальға массивидаги Пўрлита участкасига қатнаб дехқончилик қилаяптилар. «Уловидан тушови қиммат» деганларидек, маҳсулотнинг таннархи анча баланд бўлаяпти. Шунинг учун ҳам хўжалик бошқаруви раҳбари Каримбай Бекжонов ва касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сайдмуҳаммад Солаевларнинг ҳәслини меҳнаткашларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш муаммоси доимо банд қилганди.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бунинг йўлини топиш асосан кичик корхоналар ташкил этишдан иборат деган тўхтамга келишиди. Марказий қўргондаги идоранинг эски биноси мослаштирилиб, Тўрткўлдаги ип йигирив ва тўқимачилик бирлашмаси маъмурияти билан келишган ҳолда 15 та дастгоҳ келтирилиб ўрнатилди. Юғир-юғирлардан кейин тўқувчилик фабрикасининг филиали қизғин иш бошлаб юборди. Кечаги далада кетмон чопиб юрган аёллардан 90 нафари иккинчи касбни мукаммал ўрганиб олишиди. Ўшанга ҳам 5 ой бўлиби. Қисқа муддатда ҳаридоргир эркаклар, аёллар ва болалар устки кийимлари, кўрпа-тўшак, ёстиқ жилдлари, ҳалатлар савдога чиқарилди. Шакаржон Ҳудойберганова, Болжон Шарипова, Зиёда Эгамбердиева каби чеварлар қўлидан чиқсан маҳсулотлар Ҳоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳарларида ҳам савдога чиқарилди.

Яқинда «дўстлик»чилар яна бир ҳайрли ишга қўл уришиди. Намангандаги «Сайхун» фирмаси билан шартнома тузишиб, атлас тўқийидиган 20 та дастгоҳ олишиди. Ана шу замонавий дастгоҳларда Намангандага бориб касбкор сирларини кун билан ўрганиб қайтган йигит-қизлар меҳнат қилишиади. Ҳом ашё мўл-кўллигини таъминлаш мақсадида бу йил ҳар қаҷонидан ҳам кўп — иккى ҳисса ортиқ пилла курти бўклиди.

«Қаловини топса қор ёнар» деганларидек, тадбиркорлик, ишбилармонлик шароғати билан қишлоқнинг 200 нафар аҳолиси учун иш ўрни вужудга келтирилди. Қишлоқ корхонасида ишлаб чиқарилалётган кенг истеъмол молларининг турлари 20 тага ётади. Маҳаллий тўқувчиликаридек, ҳоли охирига қадар 1.77 миллион сўмлик ҳаридоргир моллар ишлаб чиқаришни режалаштирганлар.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



ТАДБИРКОРЛИК

ҚОСОН шаҳрида коммунал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиги Олим Ҳудойназаров ишчи-хизматчиларни бозор муносабати хуржуларидан тўла ҳимоя қилиш масаласига жиддий аҳамият бераб, бу борада бор имкониятларидан тўла фойдаланишига ҳаракат килмоқда. Шу максадда у бирлашма кошида енгил блокли гишт ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил этди. Кичик

корхона учун 30 минг сўмлик асбоб-ускуна сотиб олиб, ўрнатилди. Бу ишга тўрт киши тезкорлик билан ишга киришиб, дастлабки маҳсулотларни чиқара бошладилар. Кичик корхонада тайёрланган маҳсулотлардан келган даромад бирлашма ва бу ерга мешнат қилишаётган ишчи-хизматчиларнинг манфаатлари ҳамда шахар ободончилиги учун сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, шаҳардаги Зо-

кир Мўминов раҳбарлик киётган 74-курилиш-таъмирилаш идораси ҳузурида ҳам енгил блокли гишт ишлаб чиқариш, ёрочни кайта ишлаш, дурдгорлик, арракашлик ишлари билан шугулланувчи кичик корхона ташкил этилди. Зокир Мўминов бу тадбирни амалга ошириш билан кариб ўтирганда якин кишининг ишши бўлишини таъминлади, идора ва унда ишлобчиларнинг моддий манфаатдорликлари учун имконият яратди.

Нормат ТОҒА,
Қашқадарё вилояти.

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎК

Бундан тўрт йил олдин Шуманай районининг марказида уч қаватли бино курилиши тез суръатлар билан бошлаб юборилган эди. СССР тарқаб кетгач, район партия кўмитаси учун мўлжалланган бу бинони бунёд этиш ишлари ҳам таққа тўхтади. Ўтган даврда миллион-миллион сўм сарфлаб деярли тиклаб бўлинганди объектида курилиш ишларини

давом эттирадиган «мард» ташкилот топилмаяпти.

Шуманай район касаба уюшмалари эса бу имрат курилишини меъёрига етказиб, аҳоли учун туар жой сифатида фойдаланишига топшириш масаласини кун тартибига кўйди. Кўп соғли касаба уюшмалари ташаббуси зора рўёбга чиқса, шуманайликлардан 20—25 оила ўйлик бўлиб колишича, нур устига нур бўларди!

«Ишонч»нинг мухбири.



БИЗНИНГ ҚОРИЯ

ҚОРИЯ опа Каримова ҳақидағы гапларни 1937 йил ёз ойларидә радио орқали эштігін зедім. Фалакнинг гардиши билан Улуғ Ватан урушидан қайтиб келгач, Фарғонада ўқый бошладым. Шу йилларда бу аёл Олий Кенгаш депутатлығига сайдланғанин эштідім. Биз таълим оладиган мұаллымлар тайёрлаш институтининг биқинидеги хұжаликка опа раислик қиласы зеді. Биз пахта теримида уларға ёрдам берардік. Ана шундай күнларнинг бирида у билан мұлоқтота бўлиб, мәхнатда пишган, уруш азобларида тобланган, юрт ташвиши билан яшайдиган, иродали аёлни кашф этдім.

— Уруш йиллари шу ерларни ўзлаштирган зедік, — деде гап бошлади у. — Шундайми, меҳрим тушиб, бу ерга ҳар куни бир келаман. Шу ерда 30 гектар ерга чигит экдик. 3 та аёл, 14 тақиза ва түрмуш ўртоғим Абдували ака билан ишлайдик. Уруш қийинчиликларини мәхнат билан енгіб бордик.

Ҳа, уруш — даҳшат, етимлик, хонавайронлик. Қория опа етти фарзанд күриб, бештаси вафот этганды, иккитағина ўғли қолған экан. Улардан бири әндигина учёшга тұлған бўлиб, энг каттаси Умаржон уруш бошланиши билан Ватан ҳимоясига кетиб, кўп ўтмай үндән «қора хат» келганды. Шағарларни районга 3000 га яқин одам Украинаға Белоруссиядан кўчирилиб келтирілган. Улар ичидә норасида болалар ҳам бор зеді. Гала деган

қизчани Қория опа ўз тарбиясига олади. Испани Саодат қўяди...

Айни вактда мәхнат фахрийси Ҳасима Бұлатова уруш йилларини эслаб, ларзага келади:

— Мен агитатор зедім. Қорияхон бригадир зеді. Қызыларнинг чапдастылығы ҳозиргача мени ҳайратта солади. Эрта баҳордан далага жой қилиб олишарди. 16—18 соат ишлышарди. Тошлок ерларни маҳаллай ўғит билан семиртириб, ҳар гектар ердан ўттаз центнердан пахта топширишар зеді.

1949 йили Чекшўра қишлоғи ахолиси опани колхозга раис қилиб сайладилар. Бу йиллари пахтачиллик алоҳида зытибор берилди. Қория опа ночор оиласарга, айниқса, фарзандларини фронтда йўқотган ота-оналарга ғамхурлик қиласы. Икки ўғлидан ажралган Умрзоқ отага колхоз ҳисобидан уй ҳам курдириб беради.

1952 йили Дзержинский номидаги колхоз Оқарикдаги «Ёш ленинчи» жамоа хұжалиғы билан бирлашды, Қория опа Каримова раис ўринбосары бўлиб ишлади. Кўп ўтмай, опа Абдували акадан ҳам ажраб қолди. Район рахбарлари Қория опанинг раъйига қараб, Чекшўра қишлоқ советининг раислигига тавсия этдилар.

— Одамларимиз ҳам хуб ишлаган экан-да ўша йиллари, — деб эсларди Қория опа. — Канал, пахта, пилла, яна чорвачиллик. Ҳаммасига ултурғанмиз.

ОПА

Ҳа, Қория опа мәхнат қилди, лекин бирор марта ўзине бино қўймади, ўзининг тинчини кўзламади. Мукофот пулларидан катта кисмини колхоз боғасига берди, қишлоқдан турли ўқув юртларига кетган талабаларга доимо моддий ёрдам берди.

Қория опа нафақага чиққач, 3-4 марта учрашишга түғри келди. Сизга қаттиқ таъсир қилган хотираларингиздан айтиб беринг, дедим.

— 1939 йили кузда Йўлдош ота Охунбобоев Бешбolla қишлоғида жуда катта йиғин қилиб, менга қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг кумуш медалини топширди. 50 сўм пул ҳам берди. Узок қарсаклар бўлди. Шунда ёшим роса қирқда зеді, лекин тортичоқ эканманми, бир оғиз ҳам гапира олмадим. Шу воеа ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Қория опа нафақага чиқиб ҳам тиниб-тинчимади. Чекшўра қишлоғини обод қилишга уринди. Чекшўранинг бағри кенгайди, ҳусни очилди. Боғча, мактаблар курдилди. Фарғонадан юзлаб оиласар шу қишлоқдан ер участкалари олишиб, замонавий улар куришди.

Ҳалоллик, мәхнат, бағри кенглик, ишлаб ва яшаб бирор қора доғ орттириласли... мана шуларнинг ҳаммаси Қория опанинг фазилатлари зеді. У кишининг муборак хотиралари ҳар бир Чекшўрапликларнинг қалбида барҳаётдир...

**Ҳасанали РУСТАМОВ,
Фарғона шаҳри.**

Шоир Чархий таълим олганлар. У кишининг эсдаликлари гэтибор беринг-а: «Бир куни рус тили дарсида ўқиши китобимизни ўқиб ўтирганимизда жандармлар бостириб келиб «Первая книга» ва жуғрофия китобларимизни олиб қўйишиди. Домламизни ҳам ушлаб кетишиди. У киши бир кун аваҳтада ўтириб, «рус тили ва жуғрофиядан дарс бермайман» деб тилхат ёзғанларидан сўнг чиқариб юборишиган. Лекин домламиз бизни яширинча ўқитабердилар. Бу мактабни битирғанлардан очиқ имтиҳон олинар, үнга шаҳар зиёлилари ва ҳатто қози домла ҳам таклиф этиларди, ҳамма савол берар, энг яхши ўқувчиларга «Офарин» баҳоси берилар зеді.

Инқиlobдан кейин ёнимиздаги Охундевон мадрасасини Маҳмудхон Аҳмаджонов билан таъмирлаб бининг ҳусусий мактабдан шу ерга 50 та парта, доска ва бошқа жиҳозлар олиб чиқилди. Дадам биринчи директор бўлиб ўқувчилар тўплашда кўп мәхнат қилганлар. Мактабга Фанихон домла,

Мирзохон Раҳматов, Үғулхон Асқарова, Абдулло Раҳмат каби мұаллымларни жалб этгандар. Онам Салимахон Абдулла қизи ҳам шу мактабда

ишлаганлари ҳақида 1927 йил 15 августанда «Фарғона» газетасида шундай хабар берилганды: «Мұхаммаджон Ҳолиқийнинг рафиқалари Салимахон 6 йил 9-мактабда ишлаб вафот этдилар. Икки ўғилчалари етим қолди, кўп яхши, беозор мұаллима зедилар». Дадам 1924—27 йиллари дорилмуаллиминда таббиёт ва адабиётдан дарс бердилар, бу ҳақда Қори Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» китобининг 145-бетигда эсга олинган (1966 йил нашри).

Бу мактабда таҳсил кўрган Абдулла Қаҳҳор ҳам «қатор мақола»ларида дадамни «Мени адабиётга йўлллаган устозим» деб ёзган зеді.

Дадам ватанимизнинг мустақил бўлишини орзу қилган курашчилардан зедилар. Ҳозир у кишининг Қўқон адабиёт музейида «Жумхурият нима»



БОҚИЙ УМР

Инсон умрининг бокийлиги килган эзгу ишлари билан белгиланади. Халқимизнинг суюкли кизи Мукаррама опа Турғунбоева ошуфта юраклар учун мангу «бахор» яратиб кетди. Биз бу баҳорнинг илик тафтидан, муаттар бўйидан баҳра олиб, энтиқиб яшяпмиз. Бу муаттар бўй ҳар лаҳзада гоҳ Маъмурга, гоҳ Нурхон, гоҳ Феруза бўлиб қалбларимизга яхшилик уруғини сочади. Шу кунларда ўзбек халқ ракслари ижодкори Мукаррама Турғунбоеванинг муборак 80 йиллик таваллудига кизғин тайёргарлик бормоқда. «Бахор» дастаси кизлари бу айёмага бутун меҳру эътиборини бериб тайёргарлик кўришмоқда. «Бахор» концерт кошонасида эси Мукаррамахонимнинг музейи ташкил қилинмоқда.

Суратда: М. Турғунбоева севимли шогирди Маъмурга Эргашева билан (Сурат 1975 йил олинган).



БИР СУРАТ ҲИКОЯСИ

БУ СУРАТ 1910 йил олинган. Унда сиз Қўқон зиёлиларидан бир гурухини кўриб турибсиз. Биринчи қатор чапда: Ашурали Зоҳирий ўтирибдилар. Машхур маърифатпарвар, журналист, шоир бўлғанлар. Биринчи ўзбек-рус тили лугатини тузғанлар. У кишининг номлари кейинчалик Қўқон мұаллимлар билим юртига берилган.

Әнларидә шоир Мұхий ва маърифатпарвар мұаллим Маҳмудхўжа эшон ўтирибдилар. Орқа қаторда эса — Ўзбекистоннинг кўзга кўринган адабиётшунос олимлари Азиз ва Лазиз Қаюмовларнинг падарлари Пўлатжон Қаюмов (чапда) турибдилар. Әнларидә усули жадид мактабининг тарғибот ва татқиқтаридан бири Мұхаммаджон Ҳолиқий ва Қўқон зиёли-

ларидан Зайнутдин Ҳўжа сизга бокиб туришибди.

Ушбу суратни бизга Мұхаммаджон Ҳолиқийнинг ўғиллари Мидҳат Мұхаммаджон ўғли Ҳолиқий юборғанлар ҳамда ўзларининг дард ва илинжларини ифода этгандар.

— Бизни зиёлилар авлоди деса бўлади. Бобом Абдуҳолик Абдувоҳоб ўғли Қўқондаги Мавлонбой мадрасасида мударрис бўлғанлар. Дадам Мұхаммаджон Ҳолиқий 1924 йилда хусусий мактаб очиб, дунёвий фанлардан дарс берганлар. Лекин чор Русияси амалдорлари маҳаллий халқнинг саводхон бўлишидан кўркинг рус тили ва жуғрофия дарсини ўқишини тақиқлаб қўйган. Бу мактабда

деган қўлёзма таржима асарлари сакланмоқда:

Халқимизнинг саводхон, билимдон бўлиши ва мустақиллиги учун қурашган энг ўткир зиёлилари жисмонан йўқ қилинди. Уларга кўз кўриб, кулоқ ўшитмаган азоблар берилди. Дадам ҳам 1937 йил 27 ноёнбрда 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Орадан бир йил ўтгач, «юрак хуружи касалидан вафот этди» деган ҳужжат берришиди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси ёлғон, бўхтон зеди. Чунки у киши жуда соғлом ва бақувват зедилар.


Мен ўша дийдорига тўймай, эсси кетган дада жоним қабрини излаб 1989 йил 19—23 октябрь кунлари Навоий вилоятидаги «Зарафшон» совхозига катта ўғлим Шуҳратжон билан бордим. У ерда ўша йиллари маҳбуслар қамоқхонаси бўлған. Биз ўша пайтлар бу ерда хизмат қилганд, 1907 йилда туғилган Орзибобо Ҳайдаровни қидириб топдик. У кишининг хонадонида оила аъзолари иштирокида сухбатлашдик.

Бу ер даҳшатли лагер экан. Ҳозир қабристон устида қамишлар ўсиб ётиди, ҳеч қандай белги йўқ.

Мозор бошида ота-бала йиглаб ўтириб Қуръон тиловат қилдик. Ким мана шу лагердан тасодифан тирик чиқкан бўлса ёки қариндош-уруглари бу ҳақда бирор нима билишса ҳаммасини айтишсан. Музликларда, тайгода ҳалок бўлғанларга ёдгорликлар ўрнатишти-ку. Биз ҳам «Зарафшон» совхозида (Навоий шаҳрининг ёнгинасида) бирор ёдгорлик ўрнатайлик.

Дадамнинг ўша ерда вафот этгандикларини ўшитиб қабр тоши ясатган зедім. У ҳозир уйда турибди. Чунки ўлғанларга бирор нима билишмаган. Ер теп-текис. Шу боисдан ўша Пармонбобо мозоридан бир ховуч тупроқ олиб келавердим.

Мидҳат Мұхаммаджон ўғли Ҳолиқий.



Саволларга Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг бўлим муддири Босит АКБАРОВ, Кўмита ийроқчisi Шавкат ҚЎШОКОВ, Федерация кенгаши ҳукуқ назоратчиси Надежда Ефимовалар жавоб берадилар.

Мен 1989 йилда декрет таътилига чиқдим, бу вақтда ойлик маошим 110 сўмни ташкил этар эди. 1990 йили фарзандим вафот этди ва ишга чиқдим. Иккى ярим ой ишлаб яна декрет таътилига чиқдим. 1992 йил 5 апрелдан яна шу тақрорланди. Бухгалтерия ҳисоб-китоб қилиб менга 529 сўм декрет пули чиқарди. Шу ҳисоблаш тўғрими, ахир 1992 йилда маошлар оша бошлаган эди-ку?

Иккинчи саволим шундан иборатки, 1990—1991 ийларда ишламаганийм учун менга 60 сўмдан компенсация тўланар эди, болам учун эса 110 сўм беришарди.

Хозирги вақтда фақат 110 сўмнигина олаляпман. Шуни аниқлаб беришингларни сўрайман.

А. ПАРМОНОВА,

Самарқанд вилояти, Булунгур райони.

Сизга 1992 йилда фарзандни парвариш қилиш бўйича ёрдам пули ва компенсация тўғри тўланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992

йил 8 октябрдаги фармонига биноан 1992 йил 1 октябрдан болалар учун ёрдам пули ва компенсация ҳажми 1,5 баравар оширилди.

Собиқ СССР даврида КПСС Марказий Кўмитаси ва Министрлар Кенгашининг 1988 йил 5 март 173-сонли қарорига асосан илмий даражаси ва унвонга эга бўлган мутахассисларга Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ҳафтада 4 соат иш ҳақи сақланган ҳолда дарс беришга руҳсат этилган эди.

Шунингдек, илмий даража ва унвонга эга бўлган мутахассисларга ташкилот ва корхоналарда ишлани учун қўшимча ҳақ тўланар эди. Хозирги вақтда ҳам ўша қоидаларга амал қилинадими?

Б. ҚАНОАТОВ,

Иқтисод фанлари номзоди, доцент, Қарши шаҳри.

Сизни қизиқтирган савол юзасидан Ўзбекистон Республикасида норматив

хужжатлар ҳозирча йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг

Ўзим ўқитувчиман. 2 та фарзандим бор. Турмуш ўртогум 1984 йил 14 апрель куни В. Волайнск пахта тозалаши заводида баҳтисиз ҳодиса туфайли оламдан ўтган. Шу йилдан бери боқувчисини ийқотганлик нафақасини оламан. Ўша вақтда таъминот бўлимидан 120 сўм, пахта тозалаши заводидан 106 сўм, 17 тийин олардим. Президентимизнинг фармонига мувофиқ нафақа миқдори ортиб бориб, ҳозирги кунда ижтимоий таъминот бўлимидан 1000 сўм, пахта тозалаши заводидан эса 250 сўм нафақа пули олалямиз. Ҳозирги кунда барча ишчиларни ойлик маоши ошаётган бир пайтда, нима учун бизга тўланаётган (250 сўм) нафақа пулини миқдори кўтаришмаган?

М. АЗИМОВА,

Сирдарё вилояти, Сайхунобод райони, Пахтакор қўргони.

Етказилган зарар учун товон тўлаш миқдори 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ва социал таъминот вазирларлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерации кенгашининг 1992 йил 18 сен-

тябрдаги қарорида белгиланган қоидалари асосида ҳисоблаб чиқилади.

Мазкур қарорга биноан меҳнат жароҳати олган фуқароларга, шунингдек, шу сабабли боқувчисидан маҳрум бўлган тақдирда зарар

Фарзанди 1,5 ёшга етгунча парваришилаш бўйича ойлик ёрдам пули 165 сўм, 1,5 ёшдан 6 ёшгача болалар учун ойлик ёрдам пули эса 120 сўм қилиб тайинланган. 6 ёшдан 16 ёшгача (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга етгунча) болаларга ойлик ёрдам пули ҳар бола учун 60 сўм микдорида белгилangan.

Ҳар бир бола тугилганида бир галги ёрдам пули энг кам иш ҳақи иккى баравар кўпайтирилган микдорда (5000 сўм) тўланади.

Илгари бўлганидек ёрдам пули ва компенсацияниг муайян турлари онанинг асосий иш жойидан, она ишламайдиган тақдирда отанинг ёки ота-она ўрнини босадиган шахсларниг асосий иш жойида берилади. Ота ҳам, она ҳам ишламаса ва ўқимаса ёрдам пули ва компенсация ота-оналар ва болалар истиқомат жойи бўйича ижтимоий таъминот органларида берилади.

1992 йил 20 январдаги 210-сонли қарори асосида Собиқ СССРнинг республикамиз Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган норматив хужжатларида риоя қилинади. Яъни собиқ КПСС Марказий Кўмитаси билан СССР Министрлар Кенгашининг 173-сонли қарорига амал қилинади.

Асосий иш жойингизда иш ҳақи тўла сақланган ҳолда бошқа ўқув юртида ҳафтасига 4 соат ўриндошлик асосида дарс беришингиз мумкин...

учун тўланадиган товон миқдорини ҳисоблаб чиқида асос қилиб олинадиган иш ҳақи ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган тузатиш коэффицентига мувофиқ кўпайтирилади.

Зарар учун тўланадиган товон миқдори ҳисоблаб чиқилаётганида меҳнат жароҳати ва боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун амалда тўланаётган нафақа ҳисобга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақини ошириш ҳақидаги Фармонларига биноан зарар учун тўланадиган товон пули 1992 йил 1 октябрдан 1,6 баробар, 1993 йил 1 январдан эса яна 1,25 баробар оширилди.

Президентимиз фуқароларни уй-жой билан таъминлаш, уларга ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ушбу саволларимизга аниқлик киритиб беришингларни сўраймиз.

1. Президентимизнинг фармони бўйича кимлар уй-жой қуриш учун ер участкаси олиши ҳукуқига эга? Ер участкаси беришда хўжаликнинг ички имконияти ҳисобга олинадими?

2. Ер сўраб ариза ёзган фуқаро ўзи хўжаликда ишламасдан қўшни вилоятларда дехқончилик қилиб юрса (биздагилар кўпроқ Жиззах чўлларида ишлайди), яшаш жойида рўйхатда бўлмаса, унга ер берилши керакми?

3. Тurmushidan ажратиб келган 25—30 ёшдаги аёллар ота-онаси қарамогида бўлса, уларга ҳам уй-жой қуриш учун ер бериш мумкини?

4. Бир вақтлар турли сабаблар билан қўшини республика, вилоят ва районларга кўчиб кетиб, у ерда уйли-жойли бўлганиларнинг ота-боболари нинг жойи шу қишлоқда. Эндиликда уларда ота жойига келиб яшаш истаклари тугилаяпти.

Бундай фуқароларга ҳам ер бериш лозимми?

Хайдарова Ойшахон,

Матқосимов Иброҳим — ер тузувчи

Абдуллаев Ботирали — қурилиш техники

Андикон вилояти, Булоқбоши районидаги

«Шарқ ўлдузи» жамоа хўжалиги

уй-жой комиссиясининг аъзолари.

Саволларингизга жавоблар қўйидагicha:

1. Уй-жой қуриш учун ер участкаси олишга даъвогар шу жамоа ёки давлат хўжалигида (ҳудудида) яшashi шарт ва қишлоқ кенгashi (сельсовет)нинг хўжаликлар рўйхати китобида рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Ажратиладиган ер миқдори ҳар бир хўжаликнинг аниқ шароитларидан келиб чиқади.

2. Агар у ишлаётган ташкилот ер участкаси ажратиш тўғрисида илтимос хати юборса, имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ер олувчининг аризаси кўриб чиқилади.

3. Унда шахсларга ер участкаси берилмайди. Улар қонуний ҳолда васиятнома асосида меросхўр сифатида ота-оналар жойига эгалик қилишлари мумкин.

4. Бу масала жамоа хўжалигининг умумий йигилиши қарори билан ҳал этилади.

Юқорида қайд қилинган жавобларимиздан ташқари ҳозирда ўз кучига эга бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси, Республика Олий Кенгashi раёсати ва Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 15 августдаги 258-сонли қўшма қарори билан танишишингизни тавсия этамиз.

Мен мактабда 33 йилдан бўён ишлайдапман, ёшим 52 да. Нафақага чиқсан бўладими? Нафақага чиқсан ўқитувчи ишлаш ҳукуқига эга ми?

Г. КАРИМОВА,

Сирдарё вилояти, Холос станцияси,

Ўзбекистон 50 йиллиги кўчаси 8-ий.

Амалдаги меҳнат қонунлари асосида Сиз кексалик бўйича 55 ёшдан нафақа олишингиз мумкин.

52 ёшда узок йиллар ишлаганлик бўйича нафақа олиши ҳукуқига эгасиз. Бундай нафақа олиш учун Сиз ижтимоий таъминот маҳаллий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Нафақа ёшига етган ва ундан ошган педагог мактаб маъмуряти билан муддатли меҳнат шартномаси бўйича мактабдаги ишни давом эттириши мумкин.

Саҳифани мухбирлар

билин ишлаш бўлими тайёрлади.



Хаёл оғушида...

А. МАМАДАМИНОВ СУРАТ ЛАВҲАСИ

Ўзимни ўзимга шонган кунлар,
Тақдир меҳробидан бир сўрқ тушди.
Туллар тилакаланган исминг энига
Муҳаббат гардидан зил титроқ тушди.

Ўзимни ўзимга шонган кунлар,
Фаршиша фарғеди сенми — айрилиқ.
Сенсиз ўтган кунлар сулувлигидан
Кўзларимга чўкиб кетар ҳайқириқ.

Ўзимни ўзимга шонган кунлар,
Тилаклар тилимда дисиз ёғлади.
Бардошлар ютида малика бўлиб
Кўнглим кўнгиллардан имкон тилади.
Ўзимни ўзимга шонган кунлар...

Муҳаббат ТЎХТАШЕВА,
Самарканд давлат университети,
1 курс талабаси.

БИР МАВЗУДА ИККИ ФИҚР:

МИЛЛИЙ
КИЙИМ —
КЕЛИН ЗИЙНАТИ

МАНА кўпдан бери газета, журналларда урф-одатларимиз, миллий кадиряталини хакида бахсу мунозараларни бўлиб ўтмоқда. Булар албатта хаётимизга маълум маънода ўзгаришлар олиб кирайтириш. Ўз урф-одатларимиз осрасида миллий кийиниш масаласи хам бир шовшувларга сабаб бўлиб, яна тинчнб кетди. Мен худди шу шусуда сўз юритмоқчи эдим.

Масалан, тўйларимиздаги келинларнинг кийинишларини ойлайин. Улар доимо хоҳ шахарда бўлсин, хоҳ узок овулда — факат Овруча кийиниш чикишади. Нима, бизларнинг кўзларни кўзимни ўз миллий либосларимиз ўқми? Бор. Бор бўлгандан хам дунёни лот колдирадиган. Ахир миллий анъаналаримиз, маросимларимиз каби кийинлар хам амалийт оркали оммалашади, абайдиллашади.

Мен келинларимизни тўйларда гўзал миллий кийинларда кўрниши истайман. Албатта, бу менинг шахсий мулоҳазаларим. Сизлар-чи, сиз нима дейиз, азиз дугоналарим?

Роҳила ЮСУПОВА,
Самарканд вилояти,
Ўргут райони.

ЎЗ
УСУЛИМИЗНИ
ТОПАЙЛИК

КУПИНЧА дугоналарим билан бир мавзуда узок-узок баҳлашибиста тўғри келади. Бу — кўпчилик кизларнинг доимий мавзуси бўлган кийиниш масаласи. Мана давлар, замонлар ўзгартириш. Давларга кўшишиб одамларнинг дунекараси, турмуш шароитлари, янаш тарзлари хам ўзга-

риб бораяти. Шу жумла-дан, кийиниш усуllibарни кам...

Хозир бъязи бирорларнинг оғизларини тўлдиниб њеъ ўйламасдан, кизларимиз факат миллий кийиниб юришин демокдалар. Тавба дейман. Кийиниш ахир, хар кийининг кўнгил иши-ку. Уларга колса, қаҳратон кишида хам ўзига соувкини жиппап торадиган атлас кўйлак кийин юриш керакми? Тўғриси, менга кишида шим кийин юролмайман. Чунки ўзеб кизилгинни юигитнидиган ўзларни кўзимни билиб колишиша, колипга сифмайдиган сўзлар билан «сийлашади». Тўғриси, кўчада беломал шин кийин юрган Оврупо кизларни кўрсан хавасим келади. Кандай яхши. Оёклилари совкотмай иссиқини юришида-я.

Якинда ўзбек газеталарини бирда ўқиб колдим. Бир музалиффоддий чит кўйиб, кимтинги юрган кизларни кўрсан кўзим куйнайди, деб ёзиби. Бу фикрга канчалик кўшишибизларни, ўқми, сизларни билдираму лекин менга бу гаплар худди ҳакоратдай туолди. Ахир қачонгача ўзеб кизларни чит кўйлак кийин юради. Утишда момоларимиз хам бир-бирини тақрорламайдиган гўзал либослар кашши этишган-ку. Тўғри, мен хам ўзларимиздан чикиб кетиб, бутун Овручона кийинларни дейинни донгиман. Бундан ташкиари хар бир инсоннинг ўз маъниятини билдириб ўзларни бор. Мана шуларини хисобга олиб бўзларга ўз кийиниш усуларимизни топишида атрофимиздаги хар бир юриштаришнамиздан боҳбар бўлаётганинда хам ўз маъниятларини, бағирларини кенгрок килишларини истардим.

САРОЙМУЛК.

Кадри газетхон! Мана сизлар бир мавзудаги иккى ёшнинг иккى хил фикрини ўқидигиз. Бундан сизлар хам худоса чиқариб, ўз тақлифларингизни ёзб юборишига рингизни сўраймиз.

КАЛАМКАШ ДЎСТЛАРИМГА

ШЕРІЯТНИ кадимги бободаримиз турфа гуллар очи-тиб турган чаманга киёслаганлар. Ростдан хам шундай. Факат чаманиннин бошқа чаманлардан фарки шундаки, уатиги уч фаслдан иборат бўлади: баҳор, баҳор ва яна баҳорда. Хам, хамиша баҳор бўлиб, яшаб тургувчи чаманга кимнинг хам киргис келмайди, дейиз: Тахрирятимизга ўз машҳуларни ўйлаб, муштоқлик билан жавоб кутаётгандигит-кизлар хам ана шу шеърнат чаманига гуллар ўстиримокни ништ килтадар. Жумладан, Кашикадарё вилояти, Яккабог районидаги 71-ўрта мактаб ўқувчиги Махмадиёрова Мунира, Андажон вилоятидаги балиқчи райони 26-ўрта мактаб ўқувчиги Норатнева Наргизахон, жаҳон тиллари университети талабаси Ферузя Парниева, Самарканд вилояти, Иштиҳон районидаги Ориф Тўхташев, Кашикадарё вилояти, Яккабог районидаги Зебо Абураҳмоналиарнинг юбортидан машҳуларни умидли хуласалар чиқарнишизимиз имкон беради. Уларларни машҳуларди қалби қайноқ, гўзларни уч ёшлишка хос ҳарорат бор, шеъръи нафас бор. Айниса, бу нарса Мунира Махмадиёрованинг ижонда яққол кўзга ташланади. Сиз қалбим чироғи, ёник юлдузим,

Умид пардасига ўранг руҳимни, Юрак оғриғимдан тутиб гулдаста, Ситамлар юртга элтсин жисмимни... Фалал синовларга отдинг бошимни, Хар катра конимдан саҷади бардош. Каламим, кўзларин елқадошингни.

Токи алдоқларга беролайдин дош...

Муниранинг машҳуларни хали котмаган, хўл новдага ўхшайди, ул новда кунлардан бир куни гучча ёзиб, мева тугишини истар эдим.

Буҳоро вилояти, Гиждувон районидан Умидда Жумаеванинг машҳуларни хам ўзтиборга молик. Мен барча калам-каш дўстларимга тилар эзмикни, каттик ва кучли меҳнатни ўзларига ошино деб билинадар. Чунки, машҳур широрлардан бирор «йтанида»... «Одам 99 фойз меҳнатдан ва бир фойз Микеланжелодан иборат». Бинобарин, хар кандай сарҳодда хам ўстирса будади, факат меҳнат ва имкон излашдан Сўздан кўркиншини уйни авайлаб ишлатини ўрганида Чунки Сўз жуда мукаддас киммати бебахо ифода воситаси. Ва инутманги, Сўзга мукаддас деб каран

олган кишиларгина Шоир бўла оладилар. Шеърият эса хар

кандай санъатдан кўра, соф санъатdir. Кўплар шеър ёзини деганлари осон Гап, факат шеърнинг коғия, турок, вази қаби техник курилмалари эталаб олинса бас, деб хато ўйлайдилар. Чинакам шеър коғия, туроксиз хам билиши мумкин, факат кишини ҳайратга тушира олса, севидра олса бас. Ҳакиқий шеър — ўззаликка ошуфтади калб кўзгуси, бу кузгунинг вазифаси олами, ўз-ўзига танитиш. Зоро, Румий таъкидлаганидай, «Ўз руҳинг дунёсини англаша ва эгаллаш бир замонлар Искандар Зулкарнайн ер юзини эгаллашади»,

Каламнинг кайноқ козонидаги конли кўник сочгаймен,

иккиси олам асрорини бир сўз ила очгаймен;

Коғия, сўз ва фунн — бўйсан барни кунфайки,

Биз тамом хилват этармиз, сухбат алармиз бутун!

Кимки, Сўзга вафо килса, Сўз хам унга вафо килса,

Каламкаш ёшларга айтадиган ўз мұхтасар фикрларимни яқинлар эканман, шеъръи чаманинг ўзал ва закий гулчиларни бўлиб колишиларни тилайман! Зоро, узодлар таъкидлаганидай, «Калам кетмопан оғирдир!»

Гуландом ТОҒАЕВА.

ТЕМИР ЙЎЛ ОРЗУЛАРИ

Илгарилари ҳар бир вагонда тоза-лика етариғи риоз килинади. Хозир-чи? Деразалар синик ва пардалари йўк, вагонларнинг умумий саҳни ифлос, сал муболага билан айтсан, тўзигиган чангдан йўловчилар бир-бирларини кўра олмайдилар. Даъватганинг Япония билан хар хил кўшма корхоналар ташкил килаётганди, диломатик муносабатлар ўрнататганди, хабарнинг бўлса керак. Таклифи шукини биз биринчи нафатда япон поездидан сотиг олишимиз керак ва япон поездидан юриши-турниш санатини ёзгалишни кимтлашгача, йўловчилар бу кулайликдан хам воз кечиди. Нотозалик, ифлослик эса инсонликни ҳакоратлайдиган хар хил касалларни келтириб чиқарини хамма ўзини поездга ураётir. Мутасадди амалиятиз темир йўл орзулари ва шумомлари хакида амалий ўйлаб кўрсалар, нур устига нур бўлур эди.

Гули ЖУМАЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Олтиной райони.

ЎГАЙ БОЛАЛАР...

Сизларга хат ёзидан максадимиз ўзимиз ўқнётгандан мактаб хакида хикоя килиш.

Турсинни айтсан, мактабимиз алим-сокнинг бобосидан колган. Синфоналарнинг хаммаси соувк ва заҳ, Лофф эмас, синфимиздаги ўқувчиларнинг тенг ярми оёқ оғриғига билан касалхонада ётиб чиқсан. Синик дераза ромларидан соувк гув-гув кириб турди. Емғирли кунларда эса синфона мазлоббо бўлиб кетади. Биз мактабга билан олиш учун келиб, касал бўлиб кетяпмиз. Ўмуман хаммаси жонга тегди.

Салом, «Ишонч» ходимлари!

Газеталаринизни доимо ўқиб бораман. Айниса, «Хидоя» кўсаҳифасига чиқаётгандай фикрлар жону дилим. Шунинг учун мен хам баҳсларингизга ќўшилиши исчайман.

Мана сизлар ҳам айдин ва ўқмас мавзуз — севги-муҳаббатни саҳифаларнингда доимо ётиб борасизлар. Мен хам ўз мавзуда атоқли ёзувчимиз Абдулла Ко-дирийнинг «Ўтган кунларни» ўқиб, таъсирланаб ёзган мактубини ўйлайланмади.

ҲАМОН БАҲСГА ЧОРЛАР,
КУМУШ, ОТАБЕК!

ЗАЙНАБНИСОГА МАКТУБ

Ассалом, юрагида СЕВГИ ОТАШИ КАСОС АЛАН-ГАСИГА айланаб, жисму жонини куйдурган ЗАЙНАБНИСО!

Сизнинг кисматнингиздан, дунёнинг бебаколигидан кўйини сизга ушбу номани битишига жазм этади. Кўйиракни ошиноси. Лекин ушбу дамда хонанданинг бундариши хонини юрагимни эзғилаб, калбимни мунгларга тўлдириётади. Мана унна дейди:

...Марғилонни ўйлига бошим кўйиб.
Мен ўйл, Зайнаб билан колинг, бегим.

ЗАЙНАБ БИЛАН КОЛИШ! Наҳотки бу шунчалик даҳшатли... Йўқ, бу инсон кабини тушунмаслиздан. Нега ахир хамма «Зайнаб ёмон», деган гапта ёпишиб олган. Нега, «Балки Зайнаб ҳам яхшидир, унда айб ўйқидир», деган фикр кеч кимда туғилмади!

Йўқ, Мен сиз томондаман, опаюн!

«Ҳаммада ўзларни ўйлайдиган, эвалдигиз» — Сизнинг кўзбаш билан айтган бўзулғанинг эмас. Кўзларни мен хам кўз ёшлариниз тинглай олмайман. Нега, ўзига ёшларни ўйлайдиган, деган гапта ёпишиб олган. Нега, «Балки Зайнаб ёмон».

Зайнаб кайноқ козонидаги конли кўник сочгаймен, Котили бор, Зайнаблар омон»

Йўқ, йўқ, бу сўзларни ишонмайман, наҳотки сиз котисиз? Бўлни мумкин эмас, хәлэл симгайдиган гаплар. Кумушнинг ўйлариди Сизнинг заррача айнинг ўй. Хамма айб сизга ўйл кўрсанган Хушрӯйда. Севги, пок мұхаббати ошида ташланади.

«Кўлага ялингансизмон унга якин юриб келди.

— Бу ким?

— Мен — Кумуш.

Отабек товуш ёзгисини таниди. Бу мажнува ЗАЙНАБ эди.

— Кет мундан!

— Мен — Кумуш! — деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи кольмади. Зероки, дунёда энг якин кишини унга «КЕТ» амрини берган эди. Зайнаб орқасига карай-карай Оғабекдан узоклашади.

Накдар «кутилмаган баҳтсизлик», сизни каршилади Опажон.

Юрагингиздаги соф мұхаббатигиз учун курашменинг лозим эди, аммо бу йўл билан эмас, балки айр-муруватнингиз, яхшиликка, эзгуликка ишону иложес билан. Зеро биз ожизаларни кўлидан бошига йўл касаси олишининг ўзига иложи йўқ.

Хўйларнинг олдига барча гуноҳ авф этилади. Сиз хуркетдингиз, Зайнабинис!

Сирдарё вило



Нечун бу тупрок деб йиглади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг
сен?

Абдулла ОРИПОВ.

ЭНИОЛОГИЯ ва биоэнергийнформатика каби фанлар ўзбек ўкувчи сига ҳали яхши таниш эмас. Ваҳоланки, жонли организмлар билан табият ўртасидаги ўзаро қувват-ахборот алмашинуви муаммоларини ўргатувчи бу соҳалар одам унинг ўзи яшаб турган олам билан кўринмас алокала-ри тўғрисида бағоят кизикарли маълумотлар беради. Гоҳо жуда таниш кўринган ҳодисага кутимланган нигоҳ билан караб, хайратда коласан киши.

Айниқса, 1989 йил кузида мазкур илмий йўналишлар бўйича Москвада ўтган йирик анжуман кунлари хилма-хил мавзуларда ниҳоятда бой маълумотлар тўплаган эдим. Ўшалардан бир чимдимиши хикоя килиб бермокчиман. Олимлар билан сухбатимиздан бирида гапдан-гап чикиб, Ва-

жазога йўликиши мукаррар, деб хисобланган. Қиндиқ қони томган тупрок мукаддас саналган, у жисмоний ва руҳий дардларга шифо беради, деб билишган. Батзи халкларда бегона ўлкага кўчиб кетаётган одам туғилиб ўсган жойидан бир ҳовуч тупрок олиб, янги уйининг останасига тўккан. Жанг жадалга отланган кишилар бир ҳовуч тупрок олиб юришган ёнларида, у бегона юртларда таскин беради, жароҳатлар тез битишига ёрдам килади ва ҳатто ўлимдан саклаб қолади, деб ишонишган.

Хуллас, бу хил мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ҳуш, тасодифиймикан бу гапларнинг бари? Минг йиллар мобайнида барча халкларда сакланиб келаётган бу тушунча, одатлар наҳот шунчаки бидъат-хуруфат бўлса!

— Мутлако! — дейишди олимлар, — Аксинча, ҳаммаси тўппа-тўғри ва бунинг илмий асоси ҳам бор!

Маълум бўлишича, гап кўзга кўринмас қувват майдонларида экан. Буни тушуниш учун авваламбор Ер шари атрофида геофизик майдон мавжудли-

киндик қони томган ерга шу курдатли куч бошлаб келар экан. Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбандий каби улуғ зотлар, не-не буюк алломаларимиз хорижий мамлакатларда нечоғлик улкан иззат-икром топмасинлар, она тупроққа кайтишда ҳам ибрат бўлган эканлар.

— Башарти замона зайли билан кайта олишмас-чи?... деб суроиман 20—30 йилларда кетгандарни эслаб.

— Бундай одамларда Ватан соғинчи ҳакиқий касалликка айланиб, организмни тезда емириб ташлайди, — дейишди олимлар. — Инсон шамдек сўна бошлайди, бу касалликка карши ҳеч қандай дори-дармон ёрдам бера олмайди, бирор одам туғилиб ўсган жойига кайтса, бир неча соатдаёк ўзига келади колади.

Қиндиқ қони томган жойдан олинган ҳатто бир ҳовуч тупрок ҳам ғурбатда, мусофирикда бошланган дардни енгиллаштиради. Ана шуниси якъол аёники, она тупрок соғинчи шунчаки шонира ибора эмас, балки ҳакиқий ва ниҳоятда кучли жисмоний омилдир. Бинобарин, бир ҳовуч тупроқнинг курдатини билган халк ишончи бехуда хуруфот эмас асло!

— Ҳеч қаерда қўним билмайдиган дайдилар-чи? — деб сўрадим кизисиниб. — Бўлади-ку ахир шундай одамлар!

— Бўлганда кандок! — деб фикримни маъқуллашиб олимлар. — Жуда кўп улар. У ёғини сўрайдиган бўлсанг, машхур ва номаълум саёҳатчилар, денгиз сайёҳларининг бари ана шу тоифа одамларидир. Уларнинг табиятидаги қўнимсизлик эса муайян сабабларга эга. Бундай одамлар болалигига бир неча марта жойдан жойга кўчган ва оқибатда уларнинг биомайдонлари шаклланиши жараёнда муваккат турар-жойлардан биронтасининг ҳам геофизик майдонига тўғри келмай қолган. Ана шу тарика бабзиларнинг қалбида «жонгашталиктининг сўнмас машъаласи» ёнади ва бир умрга тиним бермайди. Ер юзининг қаериладир менинг барча талабимга жавоб берадиган жой бор, деган ишонч бундай одамларда умрбод яшайди ва улар ўла-ўлгунча ўша жойни ахтариб ўтишади.

Ана шу сабабли ҳам бир ерда ўтрок яшай олмаслиги учун лўлиларни айблаш ҳам тўғри эмас. Қўчманчи оиласда туғилган гўдак умрбод дайдичиликка махкум. Бу ўринда руҳият ҳам, тарбия ҳам айбор эмас. Жойни алмаштириб туриш оддий жисмоний сабабга эга, холос. Тўғри, кўчиб юришини таъкилаб, бирон жойга мажбуран ё ишонтириш орқали боғлаб кўйишингиз мумкин. Бирор, у барibir ўзининг майдони билан геофизик жихати ўзаро мослаша бошлайди.

Бу жараён эса балогат ёшига кадар давом этаверади. Одам вояга

етғанида биомайдонлари тўлик шаклланиб бўлади ва бундан бу ёғига уларнинг баркарорлигини саклаш учун

организм бор кучини ишга кола бошлайди.

Ана энди ўйлаб кўринг: шу ўшда олам бошка геофизик фанга эга янги жойга кўчиб ўтса нима бўлади? Организм ҳар томонлама кийналади, эски жой эса уни оҳангрободай ўзига тортаверади. Тўғри, Ватан соғинчи деган улкан ва мукаддас туйгу ҳам бор, бу ўринда уни жўнлаштириб юбормоқчи эмасман, асло. Болаликдан таниш турмуш тарзига, ўзининг анъаналари, маданиятига эга бўлган одатдаги инсоний мухитга интилиш туйғуси сифатида у ҳамиша дахлесиз ва ардқлидир. Бирор, Ватан соғинчи деб атамиши бағоят кенг бу тушунчанинг бир чеккасида одатдаги геофизик фанга интилишдек жисмоний омил ҳам жуда катта аҳамиятга эга экан. «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртни таъло бўл», тейилади халк маколида. Навоининг «Ғурбатда гариб шодумон бўлмас эмиш», деб бошланувчи рубонийседга тушади. Дунё кўриш, билим олиши орзусида туғилган жойини тарк этган одамларни барibir бир куни

Олимларнинг бир ҳовуч тупрок ҳақидаги гаплари мени чукур ўйга толдиради. Ҳа, оқар сувни тўхтатмаган, бир жойда кўкараётган дарахтни кўзгатмаган маъқул экан. Илм-фанинг ўзи тасдиклаб турибди: қиндиқ қони томган жой соғинчи тирик

жонни емириб ташлар экан. Беихтиёр шонирнинг ёник мисраси ёдга тушади: «Мен дедим: ғурбатда Фурқат бор экан тақдирда...»

О, Тангрим, бир ҳовучгина тупроқни ҳеч бир бандангдан дариг тутмагин, асло!

Рустам ОБИД.

«Ишонч» мухбирлари
хабар қиладилар:

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

АНДИЖОН Оқёр таъмир заводи Кошиданги Туркия — Ўзбекистон қўшма корхонаси хозирда камёб матоҳга айланган тикув машиналари ишлаб чикаришни йўлга кўйди. Корхона конвейерларидан дастлабки тикув машиналари чикди. Бу Марказий Осиё давлатлари орасидаги биринчи қадамdir. «Тиксанти» номи билан чиқаётган бу тикув машиналари хозир уч турдаги чокларни тика олади. Хадемай янгича турдаги 55 хил чок ишини бажара оладиган мураккаб тикув машиналари ҳам чиқа бошлайди. Туркиялик мутахассислар гурухига бошчилик килаётган мұхандис — конструктор Иброҳим Сочак оқёрлик таъмирловчиларнинг янги вазифани тезкорлик билан ўзлаштираётганидан мамнун. Хозирча бу тикув машинасининг корпуси Андижонда тайёрланиб жамловчи жихозларни эса Туркиядан келтирилмоқда. Лекин мутахассислар машиналарнинг юраги бўлмиш электр моторларини Андижондаги «Электродвигатель» заводида тайёрлаш масаласини ўрганишмоқда.

Қўшма корхона тўла ишга туширилгач йилига 60 минг донидан тикув машиналари тайёрланади. Шунда бу корхонада 300 нафар андижонлик иш билан таъминланади.

НАВРЎЗ

ТАНТАНАЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА Наврӯз байрами Жиззах вилоятидаги барча ташкилот, муассаса, корхона, хўжаликлар, маҳаллалар, аҳоли истиқомат қилаётган жойларда кенг нишонланмоқда. 21 март куни байрам тантаналари вилоят, шаҳар ва район марказларида ўтказилади. Умумхалқ байрами Наврӯзга бағишланган шанбаликдан тущадиган маблаглар маҳалла хайрия жамғармасининг вилоят ҳисоб рақамида тўпланади.

ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ

ЧИМБОЙ районининг энг шимолида Шоҳомон овулидағи «Биринчи май» давлат хўжалиги ҳудудида шифобаҳш сув манбаи топилди. Шу ерда Орол дengизи соҳили меҳнаткашлари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида санаторий-профилакторий қурилиши бошланди. Биринчи навбати 100 ўринга мўлжалланган янги шифохона куриб битказилиши учун 40 миллион сўм сарфланади.

Худди шундай 2 та шифо масканлари Элликкалъа районида ҳам тезкорлик билан бунёд этилаяпти.





Жсалам, футбол!

Чарм тўп ишқибозлари илтимосига биноан Футбол бўйича биринчи табака жамоалари ўртасида 1993 йилда ўтказиладиган

Ўзбекистон чемпионати биринчи давра ўйинлари жадвалини эълон қилаяпмиз.

БИРИНЧИ ДАВРА

28 март — 17 июнь.
1-ТУР ЎЙИНЛАРИ

28 март — якшанба

1. «Сурхон»—«Савай»
2. «Насаф»—«Шахрихончи»
3. «Зарафшон»—«Машъал»
4. «Прогресс»—«Ситора»
5. «Маъданчи»—«Атласчи»
6. «Кимёгар»—«Боғододчи»
7. «Сувчи»—«Локомотив»
8. «Бахт»—«Холис»

2-ТУР ЎЙИНЛАРИ

31 март — чоршанба

9. «Сурхон»—«Шахрихончи»
10. «Насаф»—«Савай»
11. «Зарафшон»—«Ситора»
12. «Прогресс»—«Машъал»
13. «Маъданчи»—«Боғододчи»
14. «Кимёгар»—«Атласчи»
15. «Сувчи»—«Холис»
16. «Бахт»—«Локомотив»

3-ТУР ЎЙИНЛАРИ

7 апрель — чоршанба

17. «Ситора»—«Сурхон»
18. «Машъал»—«Насаф»
19. «Локомотив»—«Зарафшон»
20. «Холис»—«Прогресс»
21. «Боғододчи»—«Сувчи»
22. «Атласчи»—«Бахт»
23. «Савай»—«Маъданчи»
24. «Шахрихончи»—«Кимёгар»

4-ТУР ЎЙИНЛАРИ

10 апрель — шанба

25. «Ситора»—«Насаф»
26. «Машъал»—«Сурхон»
27. «Локомотив»—«Прогресс»
28. «Холис»—«Зарафшон»
29. «Боғододчи»—«Бахт»
30. «Атласчи»—«Сувчи»
31. «Савай»—«Кимёгар»
32. «Шахрихончи»—«Маъданчи»

5-ТУР ЎЙИНЛАРИ

** 17 апрель — шанба

33. «Зарафшон»—«Сурхон»
34. «Прогресс»—«Насаф»
35. «Локомотив»—«Боғододчи»
36. «Холис»—«Атласчи»
37. «Маъданчи»—«Ситора»
38. «Кимёгар»—«Машъал»
39. «Сувчи»—«Савай»
40. «Бахт»—«Шахрихончи»



6-ТУР ЎЙИНЛАРИ

20 апрель — сешанба

41. «Зарафшон»—«Насаф»
42. «Прогресс»—«Сурхон»
43. «Локомотив»—«Атласчи»
44. «Холис»—«Боғододчи»
45. «Маъданчи»—«Машъал»
46. «Кимёгар»—«Ситора»
47. «Савай»—«Бахт»
48. «Сувчи»—«Шахрихончи»

7-ТУР ЎЙИНЛАРИ

30 апрель — жума

49. «Сурхон»—«Маъданчи»
50. «Насаф»—«Кимёгар»
51. «Ситора»—«Бахт»
52. «Машъал»—«Сувчи»
53. «Боғододчи»—«Зарафшон»
54. «Атласчи»—«Прогресс»
55. «Савай»—«Локомотив»
56. «Шахрихончи»—«Холис»

8-ТУР ЎЙИНЛАРИ

3 май — душанба

57. «Сурхон»—«Кимёгар»

ЖАМОАЛАР	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	Ю	Д	М	Т	О
I «Сурхон» (термиз)																					
2 «Савай» (Курғонтепа, Андикон вилояти)																					
3 «Насаф» (қарши)																					
4 «Шахрихончи» (Шахрихон, Анд. вилояти)																					
5 «Зарафшон» (Навоий)																					
6 «Машъал» (Муборак, Қашқадарё вилояти)																					
7 «Прогресс» (Зарафшон, Навоий вилояти)																					
8 «Ситора» (Бухоро)																					
9 «Маъданчи» (Бекобод, Тошкент вилояти)																					
10 «Атласчи» (Марғилон)																					
II «Кимёгар» (Чирчик)																					
12 «Боғододчи» (Боғод, Фарғона вилояти)																					
13 «Сувчи» (Наманган)																					
14 «Локомотив» (Коғон, Бухоро вилояти)																					
15 «Бахт» (Туракурғон, Наманган вилояти)																					
16 «Холис» (Олмалик)																					

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК

